

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 38 (7.187). Sotuvda erkin narxda

Бугунги сонда:

Тараққиёт қаноти



(2-бетда)



Дунё саҳнасида

(3-бетда)

Театр ва ҳаёт



(4-бетда)

Энг муносибларга Президент совринлари



биркор, фермер, хунарамандлар маҳсулотларини намойишга шунақангиди билан қўйишганки, уларнинг бу борадаги савиясини алоҳида эътироф этиш жоиз. Эътиборимизни бухоролик фермерларнинг маҳсулотлари тортди.

— Мана бу дудланган товукни ўзимизнинг цехда тайёрладик, — дейди кўп тармоқли "Оллохназар-Шоҳназар-Бобоназар" фермер хўжалиги раҳбари Бобоназар Чориев. — Ширинликлар қандолат цехимизнинг маҳсулоти. Макарон ҳамда ишга туширилган кичик цехимизда ишлаб чиқарилган. Мева-сабзавотни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйганмиз. Хуллас, етиштирган маҳсулотимизни ўзимиз қайта ишлашга бел болаганмиз. Фермер ўтган йили 24 гектар

пахтадан 132 тонна, 9 гектар галладан 70 тонна ҳосил олибди. Англадандирсиз, ҳосилдорлик пахтада 56,4, галлада 75 центнерни ташкил этган. Бундан ташқари, фермер 137 бош қорамол, 2000 дан ошқ қорақул қўйи парвариш қилмоқда. Чорвачилик мисолида айтсак, 2006 йили 1400 дона қорақул тери олинган. Етиштирилган гўшт қарийб 22 минг тонна. Хуллас, қишлоқ мулкдорининг кўрсаткичлари кишини қувонтиради. Бу ўйлаб танлов иштирокчиларининг бири ҳолос. Шу боис ҳам маҳсулотлар намойиши эртаси куннинг ярмигача давом этди.

24 март, соат 18:00. "Туркистон" санъат саройига йирилган меҳмонлар ҳам иштирокчилар қатори хажонда. Қизик-да, бу йил Президент совғаси — "Матиз"лар қай-

си омади чолган кишиларга насиб этаркан?

Интиқ қўтилган дамлар, ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш маросими бошланди. Саҳнада ҳар йилгидек "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер" ҳамда "Энг яхши хунараманд"га аталган учта "Матиз". Аввалги йиллардагидан фаркли ўларок, бу гал саҳнада туртинчи техника — юк ташувчи мотоцикл ҳам бор. Бу кимга берилад экан?

Таъкидлаш керак, "Ташаббус-2007" мавсумида аввалги йиллардагидан яна бир фаркли жиҳат — "Энг яхши экспорт қилган кичик корхона", "Энг яхши экспорт қилган катта корхона", "Самарали бошқарувни ташкил этган энг яхши хўжалик жамияти" махсус номи-

нациялари, "Энг яхши мурувватли тадбиркор", "Энг яхши пахтакор фермер", "Энг яхши галлакор фермер", "Қишлоқдаги турмуш маданиятини яхшилашдаги хизматлари учун" каби қатор янги номинациялар жорий этилган. Дастлаб ушбу ва шу сингари кўплаб қўшимча номинация ғолиблари аниқланиб, тақдирландилар. Гал олий мукофот эгаларини эълон қилишга келди. "Энг яхши хунараманд" — Қорақалпоғистон Республикасидан фермер Сарсенбай Сейтназаров, "Энг яхши тадбиркор" — Самарқанддаги "Ургут яшил олтини" хусусий корхонаси раҳбари Зайниддин Ахоров, деб топилди. Ғолиблар махсус диплом, олтин медал, асосий соврин — "Матиз" автомобили билан тақдирландилар. Шунингдек, уларга ҳомий ташкилотларнинг совғалари ҳам топширилди.

— Бугун мендан бахтиёр киши бўлмаса керак, — дейди тўқинлашиб йилнинг энг яхши фермери Сарсенбай Сейтназаров. — Бу қувонччи фермерликдан топдим. Ёш маҳсулот бўлиш бахтини насиб этиб, барча шарт-шароитни яратиб берган давлатимизга, бошимизни силаб, оталарча ғамхўрлик қилаётган Президентимизга раҳмат! Бу мукофоти "Тайимбет" фермер хўжалигимиз жамоаси меҳнатига бўлган эътибор, билдирган ишонч сифатида қабул этаман. Доимо ушбу мукофотга лойиқ бўлишга ҳаракат қиламан.

Совриндорларнинг хажонаниб айтган сўзларини эшитиб, бехиёр кўнглингга зағу тилак келди. Илоҳим, "Ташаббус" бундан юксакларга қанот қоқаверсин. Мулкдорлар сафини кенгайтиришдан толмасин. Дарвоқе, мотоцикл "Энг яхши фермер" йўналишида учинчи ўрин соҳибаси сурхондарёлик фермер Рисолат Маматқуловага насиб этди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти»
мухбири.
Б.АКРАМОВ олган
суратлар.

Куннинг муҳим воқеалари

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида** «Қучли юктимой ҳимоя — демократик жамиятнинг асосий тамойили» мазмунда конференция бўлиб ўтди.

● **Ўзбекистоннинг** Австриядаги элчихонаси ва ушбу мамлакатнинг «GTA-SKY-WAYS» сайёҳлик компанияси ташаббуси билан жорий йилнинг 16 мартдан чартер рейслар орқали Австрия, Швейцария ва Германиядан туристларнинг юртимизга саёҳати амалга оширила бошланди.

● **С.Хўҷаниёзов** номидаги Қорақалпоғистон Республикаси ёш томошабинлар театрида Халқаро театр кунига бағишлаб кўрик-танлов ўтказилди.

● **Жиззах** шаҳрида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб ташкил этилган Республика енгил атлетика марфонининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● **Наврўз** шодиёналари давом этаётган айти кунларида Самарқанд вилоят силга қарши курашиш диспансерининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● **Бухоро** шаҳрида ёшлар ўртасида самбо бўйича республика биринчилиги мусобақалари якунланди.

● **Тошкентда** Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциацияси (Ўзбекистон IT ассоциацияси) билан Microsoft компанияси ўртасида ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

● **Ўзбекистон** Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Тайлим ва муҳасисия» мазмунда кўргазма очилди.

● **Ўзбекистон Республикаси** Халқ таълими вазирлиги ва «Мазнавият» нашриёти ҳамкорлигида «Келажакка сармоя» номи рағли-безакли альбом-китоб нашр қилинди.

● **Ўзбекистон** Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Наврўз-2007» аънавий хунарамандлик ва замонавий тасвирий санъат фестивал-кўргазмаси давом этмоқда.

● **Ҳиндустоннинг** «Аж» газетаси сиёсий муҳаррири Сатя Пракаш Асим раҳбарлигида таширф буюрган бир гуруҳ хинд журналистлари юртимиздаги омивай ахборот воситалари фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

Хаста дилга даводир бу юрт

Уч фарзанднинг онаси Фотима ногиронлиги боис рўзгоридан айрилиб қолганди. Таассуфки, энг яқин жигарлари ҳам жонига оро киролмади, меҳр-мурувватни дариг туттиди. Фотима Яқабоб туманидаги «Саховат уйи»га жойлашди, катта ғамхўрликлар кўрди. Зеро, юртимизда меҳр-оқибат, ижтимоий ҳимоя каби тушунчалар давлатимиз аҳамиятига молик хайрли ишлар сирасига киради.

Ногирон аёл нигоҳларида соғинч ҳисси сезилиб туради. Дилбандлари Зилола, Умиджон ва Шаҳзодаларни дунёга сизмас меҳр билан соғинади.

— Ҳаётда нималар бўлмайди, — дейди Яқабобгади «Саховат уйи» директори Нўмон Қурбонов. — Ҳаётда уч ўғил, тўрт киз ўстирган отахон «Саховат уйи»га кириб келди. Суриштириб билдик. Болалари билан қилишмай қолди. Икки катта ўғлини қаққидик, улар ҳам отани олиб кетишни истамади. Қариган чоғида нахотки ота фарзанд учун кераксиз бўлиб қолса, дея қайғурдик. Орадан икки ой ўтгач, унинг кенжа ўғли чет эл сафаридан қайтиб қолди. Қобил фарзанд меҳр-оқибатли экан, отасини уйига олиб кетди.

Яқабоб «Саховат уйи» 160 ўринга мўлжалланган бўлиб, айти пайтда 149 нафар қария ва ногиронлар яшашмоқда. Бу ерга, асосан, 18 ёшдан ошган I, II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз нафақадорлар вилоят ижтимоий таъминоти бошқармаси йўланмаси билан қабул қилинади. Ҳозир «Саховат уйи»да 23 нафар I гуруҳ, 52 нафар II гуруҳ но-

роғирон истиқомат қилаёпти. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурига асосан, «Саховат уйи»га 100 миллион сўмлик маблағ ажратиш режалаштирилган.

Президентимизнинг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури кекса ва ногирон кишилар учун катта ғамхўрлик ва бағрикенглик ифодаси бўлди.

кўзда тутилган эди. Ўтган йили бажарилган шў ҳажми бу микдордан анча юқори бўлди. Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳомийлигида ҳаммом ва спорт мажмуи қурилиши учун 21 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу ерда истиқомат қилаётган қария ва ногиронлар саломатлиги муҳофазага олинган. Улар йилига икки марта тиббий кўриқдан ўтказилиб, ташхис бўйича шифоналарга юборилади.

Президентимизнинг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга

ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури кекса ва ногирон кишилар учун катта ғамхўрлик ва бағрикенглик ифодаси бўлди.

«Хаста дилга даводир бу юрт», дейди ёши улуглар. Жонажон Ўзбекистонимиз ҳар бир фуқароси ижтимоий ҳимояга олинган. Биз «Саховат уйи»да фарзандлари Россияда яшайдиган ёлғиз она Валя Кортиева билан суҳбатлашдик. У ҳукуматимиздан қанчалар миннатдор эканлиги ҳақида газетада ёзишимизни жуда истар экан.

Айниқса, бизни табарруқ 100 ёшни қаршилаётган Хурсанд момо Қобилова билан «Менинг отам, онам ва фарзандим ҳам Ўзбекистон», деган сўзлари тўқинлаштириб юборди. Тақдир Хурсанд момога фарзанд бахтини насиб этмади. Аммо жиянлари, набиралари қарамогига яшади. Бугун эса «Саховат уйи»да. Меҳр-оқибатни, кадр-қимматни юртпарвар Юртбошимиздан ўрганиш лозим, дейди момо.

«Саховат уйи»даги шароитларни кўриб, ижтимоий ҳимоя йили, деган сўзининг мағзини қаққандек, моҳиятини янада тараққот ҳис қилгандек бўлади киши. Бу тушунча одамларимиз юрагига саховат, мурувват фазилатларини зиёда қилиб, эл-юртда ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги кераклигини аниқлади. Бунинг учун ҳар биримиз масъул ва бурчли эканлигимизни унутмасликка ундайди.

Фахриддин БОЗОРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўққизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси 2007 йил 29 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатиغا

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 28 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

Рўйи замин сайқали



Самарқанд деганда, тасаввуримизда дунёнинг энг кўҳна, қадимий тарихи ва шу тарихнинг бетакор, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ўзига ром этиб, умрбод мафтун қилиб қўядиган буюк намоёндалар сиймоси, мовий гўмбазлар, муазам миноралар ва ўлмас обидалар жонланади.

Ислом КАРИМОВ

Самарқанднинг қадимий тарихи, шонли ўтмиши бугунга қадар дунё аҳлида катта қизиқиш уйғотиб келади. Бугун нафақат мамлакатимиз, балки дунё олимлари Шарқ ва Фарбни боғлаган, Буюк Ипак йўлида жойлашган бу муазам шаҳар ёши кўҳна Рим билан тенглиги, унинг шаҳар сифатида жуда эрта машҳур бўлиб кетгани ҳақида фикр билдиришмоқда.

«Шарқ тароналари» V Халқаро мусика фестивали иштирокчиси, япониялик Кикучи Киёши шундай деган эди:

— Дунёнинг кўплаб ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида бўлганман. Аммо Самарқанд улар орасида ўз салоҳияти, қадимий осориёткалари билан ажралиб турар экан. Кўҳна шаҳарнинг осмонўпар миноралари, мақбара ва масжидлари олдида лол қолдим. Регистон ансамбли, Гўри Амир, Бибиҳоним мақбаралари, Шоҳи Зинда мажмуаси, Улугбек расадхонасида бўлдим. Очиғи, бу тарихий иншоотлар ўзбек элининг кечаги қуни қанчалик улуг бўлганидан ва бу ажиб элнинг бугунги саодатидан, эртанги порлоқ келажакдан дарак беради. Жаҳон нигоҳидаги бу шаҳар доим

орзуманд бўлганлар қанчадан-қанча эканига қадимий тарих гувоҳ. Шукрим, бу кўҳна замин, унинг меҳмондўст халқи билан яқиндан танишиш, дилдан суҳбат қуришга истисқол йилларида шароит ва имкониятлар яратилди.

Бу кўҳна шаҳарга келган меҳмонлар, энг аввало, Имом ал-Бухорий, Шоҳи Зинда, Имом ал-Мотурудий, Гўри Амир ва яна кўплаб зиёратгоҳларга бориш истагида бўлади. Шу осориёткалардаги ижобий ўзгаришлардан кўнглилари равшан тортади. Биргина Шоҳи Зинда меъморий мажмуасини олайлик. Бу ерда кейинги йилларда кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатимиз Президенти бу тарихий обидани қайта

тиқлаш ва уни реставрация қилишга жиддий эътибор қаратди. Вазирлар Маҳкамасининг шу хусусдаги қарори асосида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тўғрисида ёлғиз мажмуаси асл ҳолатига қайтди. Унинг тўлиқ таъмирланишида юртимизнинг энг тажрибали усталари, қўли гул меъморлари иштирок этишди.

Шу тариқа Шарқнинг мажмур афсонавий обидаси умрбоқийлигига яна замин яратилди. Тарихдан маълумки, Шоҳи Зинда дунё донишмандлари томонидан «Инсоният тафаккурининг шох асари», дея таърифланган. Махму Амир Темур даврида қайта тикланиб, обод қилинган. Кейинчалик, айниқса, шўролар даврига келиб у хароба ҳолга келиб қолганди.

Бугун у яна ўз тарихий қиёфасига кирди. Бу кўлгў қадамжодан мангу қўним топган не-не улуглар руҳи шод этилди. Мақбаралар, йўлакларга қайта жон берилди. Кейинги икки йилда Бибиҳоним мадрасаси ва Шоҳи Зинда оралигида бажарилган бунёдкорлик ишлари кишини ҳайратга солади. Бир пайтлар мажмуа атрофида фаолият кўрсатган буюм бозори ва ён-атрофдаги кичик иншоотлар ўрнида қўламазорлаштирилган майдон барпо этилгани, катта йўлнинг тўлиқ қайта қурилиши ён-атроф қиёфасини буткул ўзгариштириб юборди.

Ҳамisha дунё нигоҳида бўлиб келадиган қадимий Самарқанд ўзининг 2750 йиллик тўйига муносиб совғалар тайёрлаётган.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

“Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудларидан оқиб ўтадиган дарёлар уларнинг мулки ҳисобланмайди...”

Яна сув, тоғлар ва чўллар хусусида...

Марказий Осиёда сув тақчиллиги – доимий муаммо ҳисобланади. Географик ва иқлимий ўзига хослик туфайли у ҳар доим маҳаллий халқларнинг сон-саноксиз ихтилофларига сабаб бўлган. Икки дарё: Сирдарё ва Амударё сувларидан фойдаланиш масаласи эса ҳар доим баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

Марказий Осиё ўзининг иккита табиий хусусияти билан алоҳида ажратилиб туради. Шулардан бири – минтақадаги бошқа давлатдан иқтисодиётнинг тарқалиши. Томир (Тожикистон) ва Тянь-шан (Қирғизистон) тоғларида жойлашган. Минтақавий дарёлар эса айнан ана шу тоғлардан бошланади. Иккинчи хусусияти шундан иборатки, минтақа ҳудудининг бешдан тўрт қисми чўл ва ярим чўл ҳудудларидан иборат бўлиб, улар Қозғоғистоннинг асосий қисmini ва “водий”лик мамлакатлар – Ўзбекистон ва Туркменистоннинг аксарият қисmini ташкил этади.

Совет даврида барча масалаларни собик Марказ ҳал қилган бўлса, 1991 йилдан бошлаб ҳар қим эа маффаатлари йўлида ҳаракатланиш

ҳуқуқига эга бўлди. Фуқаролик уруши кулфатларини бошидан кечирган Тожикистон учун тирчиликлик манбаларини излаш сиёсий устувор аҳамиятга эга. Иқтисодий муаммолар кескинлашиб кетди, уларни ҳал қилиш зарур, лекин қандай йўл билан?

Душанбе иқтисодиётни жонлантириш мақсадида энергетикани ривожлантириш, янги гидроэлектростанцияларни қуриш, собик иттифок даврида тўхтатиб қўйилган эски гидроэлектростанцияларни тиклаш масалаларига қўл урди. Утган йилнинг охирида Тожикистон электрэнергетика соҳасини ривожлантириш бўйича ўз режаларини эълон қилди ва бу билан “водийлик” қўшниларини таассуфга солиб қўйди. Зеро, Амударё ирмоқларида 14 та электрстан-

циянинг қурилиши уни бир ирмоқчага айлантириб қўйиши мумкин. Унда нима бўлади?

Фуқаролар урушидан сўнг ҳужалиқни тиклаш, аҳолининг аксарият қисмининг қашшоқлиги – бу муаммоларни тушуниш мумкин... Душанбе бу чораларга сув тақсимотининг бошида тургани учун қўл уриб, қўшни давлатлар манфаатларини мулкка инobatга олмапти.

Бирок, шунинг унутмаслик зарурки, дарёларнинг юқори қисмида сув ҳўжалиги иншоотларининг жадал қурилишида дарёнинг ўрта ва қуйи қисмида сувдан фойдаланиш манфаатларини эътиборга олиш лозим ва аввалги сувдан фойдаланиш тартибига жиддий зарар етказилмаслиги керак. Бу ўринда суғорилмаслигини деҳқончиликнинг улкан иқтисодий-иқтисодий аҳамиятини эътиборга олиш керак. Ушбу меъёрлар Халқаро сув ҳуқуқи меъёрларига, шу жумладан 1992 ва 1997 йиллардаги Халқаро конвенцияларга мос келади.

Фарғона водисидида бошқа суғориш манбалари йўқ ва яқин келажда бўлмаслиги ҳам мумкин. Амударё ва Сирдарё нафакат фаровон-

лик, балки омон қолишнинг бош омилдир. Бинобарин, оқим ҳажмига қараб мамлакатлар ўртасида амалдаги сув тақсимотини сақлаб қолиш зарур. Минтақа давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар асосида ҳар бир ҳавзада давлатлараро аҳамиятга эга ҳар қандай сув ҳўжалиги объектларини истиқболли ривожлантириш ва қуриш қелишилиши лозим, аммо ўтган 15 йилда бирор маротаба ҳам бундан қелишув бўлмади.

Марказий Осиёдаги янги давлатлар ҳукуматлари халқаро воситачилар ва маслаҳатчилар ердамида муаммонинг ечимини қидирмоқда. БМТ ёрдамида биргаликда қарор қабул қилиб Сирдарёда муайян тартиб ўрнатишга эришилди. Оролининг шимолий (Қозғоғистон) томони бир дам тин олди. Лекин Амударёда вазият тобора ёмонлашмоқда! Албатта, бу ерда кўп нарса сиёсий вазият ва субъектив омиллар билан белгиланган. Чунки бугун бир министр билан қелишсан, эртага эса унинг ўрнида бошқа одам бўлади, асосийси унинг маффаат ва талаблари бутунлай бошқача, чунки унинг орқа-

сида бошқа минтақавий гуруҳлар – қўлоблиқлар ёки помирликлар, дангаралиқлар ёки душанбелликлар манфаати ётади.

Шу боис, сувдан фойдаланиш каби нозик соҳадан маҳаллийчилик ва айирмачилик ёндашувларини бутунлай чиқариб ташлаш керак. Тезда минтақадаги барча давлатларнинг саъй-ҳаракатлари билан минтақавий сув стратегиясининг асосий тамойилларини ишлаб чиқишни бошлаш зарур.

Чунки икки мамлакат – Қозғоғистон ва Ўзбекистон Сирдарё масаласида қелиша олди ва айнан шу қелишув Оролининг бир қисмини бўлса ҳам қўтқариб қолиш имконини беради. Лекин Амударё билан боғлиқ вазият боши берк қўчага кириб қолди: Тожикистон улкан ГЭСлар мажмуини қуришни мўлжалламоқда, Туркменистон янги Қорақум денгизини яратмоқчи, Ўзбекистон эса бу икки қурилиш орасида сувсизлик азобини чекади.

Тожикистон томонидан Бахш, Мурғоб ва Панж дарёлари сувнинг Амударё ҳавзасидаги бошқа давлатлар учун товар сифатида ишлатиш режаси ва сув ресурсларини қўшниларга босим ўтказиш воситаси сифатида қўлланиши минтақада нотинчлик учун асос яратмоқда, иқтисодий низо туғдиришда ва аҳолини қарши ҳаракатларга ундамоқда. Фанатизм ва эгоизмдан воз кечиш керак. Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудидан оқиб ўтувчи дарёлар уларнинг мулки эмас, балки доимо “халқаро сув йўли” бўлиб келган ва барча шар- тлар ҳамда халқаро мажбуриятлар шундан қелиб чиқади.

Меранполис
В.ГРИГОРЬЕВ,
профессор, тарих фанлари доктори.

YETTI-IQOLIMDAN BIR SHINGIL

Рим шартномаси 50 ёшда

Германия пойтахти Берлинда Европа Иттифоқига асос бўлган Рим шартномасининг имзоланганига 50 йил тулиши кенг нишонланди.



Иттифокқа раҳбарлик қилган Берлин шаҳрида тантаналар тўн буйи давом этган. Марказдаги клублар, ресторан ва музейлар бутун оқшом фаолият юритган. Рим шартномасининг 50 йиллик тантаналари муносабати билан ўтказилган урчушда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарлари “Берлин декларацияси”ни им-

золашди. Декларацияда Иттифок келажига доир мақсадлар ва ислохотлар режаси белгилаб олинган.

Резолюция рад қилинди

Техрон ядровий дастурлар борасидаги БМТ Хавфсизлик Кенгашининг янги резолюциясини бутунлай рад этмоқда.

Шунингдек, мамлакат раҳбари Махмуд Ахмадинжад атом энергетикаси агентлиги МАГАТЭ билан алоқаларни ўзиб қўйишни маълум қилди. 2006 йил 23 декабрда Эронга нисбатан резолюция қабул қилинган ва расмий Техрон уни оқонуний, деб амал қилишдан бош тортган эди. Бунга жавобан Хавфсизлик Кенгаши ўтган кун янада қаттиқроқ янги резолюцияни жорий этди. Унда Эронга турли қурол-яроғни сотиш ва мамлакат ядровий дастурига алоқадор эронликларнинг хориждаги ҳисоб рақами музлатиб қўйилиши назарда тутилган.

“Йўлбарслар”нинг аэропортга ҳужуми

Шри-Ланка ҳарбий ҳаво қучлари базаси “Йўлбарслар” ҳужумига дуч келди.



“Тамил-Илама – озодлик йўлбарслари” исёнкор гуруҳига тегишли иккита жанговар самолёт базага ҳаводан зарба берди. Оқибатда, уч нафар учувчи ҳалок бўлиб, бир неча самолёт ишдан чиққан. “Йўлбарслар” вакилининг хабар қилишича, ҳаво ҳужумлари яна давом этади. Расмий маълумотларга қўра, база яқинидаги Коломбо халқаро аэропортга ҳам зиён етган.

2001 йил “Йўлбарслар”нинг Коломбо аэропортга уюштирган ҳаво зарбалари 20 нафар одами ҳаётдан олиб кетган ва 10 дан зиёд йўловчи самолётларни йўқ қилган эди.

Муросали сиёсатчи вафот этди

Арманистоннинг бош вазири Андраник Маргарян юрак ҳуружи оқибатида оламдан ўтди.

Хабарларга қўра, 55 ёшли бош вазирининг соғлиги охириги вақтларда ёмонлашиб борган. Андраник Маргарян вафоти муносабати билан мамлакатдаги барча расмий урчуш ва тадбирлар бекор қилиниб, мотам белгиланган. Маргарян 2000 йилдан буюн ҳукуматни бошқариб келмоқда эди. Арманистонда марҳум бош вазири муросали сиёсатчи сифатида тан олинган. Унинг ҳукуматда юзгага келган кўпгина турли муаммоларни устумонлик билан ижобий ҳал эта олганини арманистонликлар яхши эслашди.

Осмондаги қоидабузарлар

Россия осмонда қоидабузарликка йўл қўётган Европа авиакомпаниялари рўйхати эълон қилинди. Россия авионавигация федерал хизмати бу ҳақда Европа фуқаролик авиацияси президенти Мишель Вашенхаймга махсус мактуб йўллади.

Мактубда айтилишича, Россия ҳаво ҳудудларида Европанинг 15 та авиакомпанияси, жумладан, British Airways, Germanwings ва Iberia самолётлари қўпол қоидабузарликларга йўл қўйиб келади.

Агар, - дейди авионавигация федерал хизмати бошлиғи Александр Нерадько, - бу авиакомпаниялар ҳатоларини тўғрилама, уларнинг Россия осмонда парвоз этиши тақиқлаб қўйилади.

Таклиф инobatга олинмади

АҚШ президенти Жорж Буш Гуантанамо қамқонхонасининг ёпилишига рухсат бермади.

Мамлакатнинг янги мудофаа вазири Роберт Гейтс ўз вазифасига киришар экан, дастлабки таклифи сифатида Гуантанамони ёпиш билан чиқди. Унинг таклифини АҚШ Давлат котиби Кондализа Райс ҳам қўллади. Бирок, Буш дунё нигоҳида қонунбузарликлар макони саналаётган Гуантанамони ёпиш эмас, балки тубдан ўзгартириш керак, деган тўхтамга келди.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 27 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	1004.93	1 Польша злотийси	428.97
1 Англия фунт стерлинги	2448.51	1 СДР	1889.56
1 Дания кронаси	222.63	1 Туркия лираси	903.23
1 БАА дирхами	340.45	1 Швейцария франки	1025.07
1 АҚШ доллари	1250.07	1 ЕВРО	1657.72
1 Миср фунти	219.60	10 Жанубий Корея воки	13.32
1 Исландия кронаси	18.74	10 Япония иенаси	106.00
1 Канада доллари	1075.70	1 Россия рубли	48.06
1 Хитой юани	161.61	1 Украин гривнаси	247.54
1 Малайзия ринггити	362.08		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

СОТИБ ОЛИБ, МУЛК СОҲИБИ БЎЛИНГ

Республика кўчмас Мулк биржаси Навоий вилoяти филиали аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия иштирокида ўтказиладиган, нархи босқимча-босқим ўсиб бoрувчи очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Очиқ аукцион савдоси 2007 йил 30 апрель кунин соат 12-00 да ўтказилади.

САВДОДА:

Болалар спортини ривожлантириш жағнамаси Навоий вилoяти минтақавий филиалига қарашли, 2002 йили ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 21 АС 416 бўлган “Матиз” русумли автомашинаси. Бошланғич баҳоси – 3 100 000 сўм.

Аукцион савдосига қатнашувчилар савдо иштирокчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: –сотиб оломоқчи бўлган мулкнинг номини кўрсатган холда ариза.

–савдо ташкилотчиси суб счёти рақамига мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закатлат пули тўланганлиги тўғрисида (Республика кўчмас мулк биржаси Навоий вилoяти филиалининг Х.р. 20210000400571452026, МФО 00425, ИНН 200933850 АТИБ “Ипотека банк”) ҳужжатининг асл нусхаси, мулк номи кўрсатган холда.

–ҳаридорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси. Аризалар қабул қилиш савдодан 1 (бир) соат олдин тўхтатилади. Хафтаннинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар кун соат 9-00 дан 18-00 га қадар аризалар қабул қилинади.


Қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 770-35-90. 22-4-64-31. 4-15-61.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй, Навоий вилoят Давлат мулкнинг бошқаруш бoшқармаси маъмурий биноси, 1-қават.

Лицензия: DB 001N000004

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги “MONEY MAGNIT” хусусий фирмаси “MONEY MAGNIT” масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда. Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ҳафта мобайнида қабул қилинади. Тел.: 706-15-97.

Республика акциядорлик-тижорат банки



Ўз акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий ҳисобот йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. РАТБ “Фаллабанк”нинг 2006 йилдаги фаолияти натижалари бўйича банк бошқарувининг ҳисоботи ва банкнинг 2007 йилга белгиланган устувор вазифалари тўғрисида.
2. Банкнинг ҳисобот йилидаги фаолияти бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тўғрисида.
3. Банкнинг 2006 йил 31 декабрь ҳолатига бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида.
4. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
5. Банк Кенгаши ва Бошқарув аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида.
6. Банкнинг 2007 йил фаолияти якуни бўйича ташқи аудиторни тасдиқлаш тўғрисида.
7. РАТБ “Фаллабанк”нинг “Санок комиссияси” вазифасини банк акциядорлари рўйхатини юритувчи “Прогноз плюс” шўъба корхонаси зиммасига юклатиш тўғрисида.
8. Бошқа масалалар.

Йиғилиш 2007 йил 27 апрель кунин соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 36-уй (“Ўздонмахсулот” АК биноси)да ўтказилади. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2007 йил 27 апрель кунин соат 8.30 дан 9.30 гача давом этади.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2007 йил 28 март ҳолатига тузилиб, акциядорлар ҳамда уларнинг вакилларидан йиғилишга шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан қелишлари сўралади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 136-16-17, 136-11-05, 133-42-25
РАТБ “Фаллабанк” манзили: Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 36-уй

“Фаллабанк” Кенгаши

